



2020 йил 5 июн

621-Қ - сонли

Ishtixon sh.

Самарқан шаҳар Амир Темур кўчаси 154-уйда яшовчи фуқаро Хусанов Сардорга “Трикатаж махсулотлари ишлаб чиқариш учун тикиш ва бичиш корхонаси” қуриш учун 0,2 гектар ер майдони ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июндаги “Ёшлар-келажагимиз” дастури тўғрисидаги ПФ-5466-сонли “Ёшлар келажагимиз” Давлат дастури тўғрисидаги фармони, Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси»нинг 6-20-моддалари, ва Самарқан шаҳар Амир Темур кўчаси 154-уйда яшовчи фуқаро Хусанов Сардорнинг туман ҳокими номига “Трикатаж махсулотлари ишлаб чиқариш учун тикиш ва бичиш корхонаси” қуриш учун ер ажратиб беришни сураб ёзган аризасини ҳамда туман ҳокимлиги хузуридаги Ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссия аъзоларининг 2020 йилдаги далолатномасини кўриб чиқиб

### ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Туман ҳокимлиги хузуридаги Ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш буйича комиссиясининг далолатномаси тасдиқлансин.

2. Самарқан шаҳар Амир Темур кўчаси 154-уйда яшовчи фуқаро Хусанов Сардорга “Ёшлар келажагимиз” давлат дастури асосида “Ёшлар меҳнат гузари ва Трикатаж махсулотлари ишлаб чиқариш учун тикиш ва бичиш корхонаси” қуриш учун “М.Жураев” муқобил МТП худудидаги туман ҳокимлиги захира ер майдонлари ҳисобида бўлган 431-рақамли контурдаги 0,2 гектар қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалигида фойдаланилмайдиган ер майдони доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилсин.

3. Фуқара Хусанов Сардор зиммасига қуйидаги вазифалар юклатилсин:

- “Ёшлар меҳнат гузари ва Трикатаж махсулотлари ишлаб чиқариш учун тикиш ва бичиш корхонаси” қурилиши учун АРТ ва лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаб вилоят Архитектура ва қурилиш бошқармаси билан келишиш;

-лоийҳани экспертизадан ўтказиш ва Давлат архитектура ва қурилиш назорати инспекциясидан рұхсатнома олиш;

-Самарқанд вилоят экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармасидан хулоса олиш;

-“Ёшлар меҳнат гузари ва Трикатаж махсулотлари ишлаб чиқариш учун тикиш ва бичиш корхонаси” қурилиши белгиланган Шаҳарсозлик талаблари асосида келишилган АРТ ва лойиҳа смета ҳужжатлари асосида қуриш вазифалари юклатилсин.

4. Туман Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиғи (М.Примов)га ўзидаги тегишли ҳужжатларга ўзгартириш киритиш ва Самарқанд вилояти ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри Давлат корхонаси Иштихон тумани филиали бошлиғи (Х.Астанов)га ажратилган ер майдонини давлат рўйхатидан ўтказиш вазифалари топширилсин.

5. Қурилиш ишларини лойиҳа асосида бажарилишини назорат қилиш туман бош архитектору (А.Мурадов)га топширилсин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари (У.Исломов) зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими:



Ш.Негматов